

**“ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ” АЖ ДА 8-МАРТ ҲАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР
БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН “ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА”
МАВЗУСИДА ЎТҚАЗИЛГАН
МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил “4” март

Тошкент шаҳри

Мажлис раиси

“Юнусобод деҳқон бозори”
АЖ директори биринчи ўринбосари
А.А.Абдужамиллов

Қатнашдилар :

“Юнусобод деҳқон бозори” АЖ маънавий
ва маърифий ишлар бўйича инспектори
М.С.Асатова

Жамият аёллари
10 киши

КУН ТАРТИБИ:

“8-март Ҳалқаро хотин қизлар байрами” муносабати билан “ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА” мавзусида давра суҳбати ва жамият хотин қизларини табриклаш ҳақида.

Мажлисни жамият директори биринчи ўринбосари А.А.Абдужамиллов очик деб эълон қилиб, кириб келаётган 8-март ҳалқаро хотин қизлар байрами билан барча аёлларни табриклади. Аёлларни қанча ардоқласанг шунча кам. Афсуски, биз бундай қалб сўзларини турмуш тарзимизда кам ишлатамиз лекин аёллар байрами борки сизларнинг дилларингиз хушнуд қиладиган ширин сўзлар ила таббасумингизни уйғотишга муяссар бўлганимиздан шуқуруна қиламиз. “Жаннат оналар оёғи остида” деб тўғри айтишган, дарҳақиқат одамзодни, нафақат одамзодни балки оламларга ўз зиё нурларида нурафшон этиб турган аёлларимизнинг яқинлашиб келаётган гўзаллик ва нафосат, самимийлик ва баҳор айёмми 8 март Ҳалқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан мубаракбод этаман. Баҳорий гўзаллик сизларни ҳеч қачон тарк этмасин. Фурсатдан фойдаланиб жамият аёлларини ва улар орқали бутун юртимиз аёлларини чин дилдан табриклайман. Байрамингиз муборак бўлсин азиз аёллар!!! деб ўз нутқини яқунлади, сўз навбатини маънавий-маърифий ишлар бўйича инспектори М.С.Асатовага сўз берилди. Оиланинг юқини ҳеч нолимасдан, хаётга шуқуруна қилиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опасингилларимизни байрам билан табриклади.

Мажлис раиси жамият директори биринчи ўринбосари А.А.Абдужамиллов жамиятда ишлаётган барча аёл ходимларни гулдаста ва мукофат пулларини бериб тақдирлади.

Мажлисидаги мавзу бўйича:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Бозор ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркор аёлларга барча қулайликлар яратиш борасида режалар ишлаб чиқилсин.
2. Тадбиркор аёлларни ҳар томонлама қуллаб қувватлансин ва жамият тадбирларига ҳам жалб қилинсин.

Мажлис котибаси



М.С.Асатова